



ЯПОНСКАЯ КОМПАНИЯ ПЛАНИРУЕТ ОТКРЫТЬ В УЗБЕКИСТАНЕ КРИПТОБИРЖУ  
5-бет.



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА ЭНГ КЎП ПУЛ КИРИТУВЧИ МАМЛАКАТ  
6-бет.



"КЕЧКИ ОВҚАТНИ ДУШМАНГА БЕРМА!"  
8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqqa boshlagan

# Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

12 (1538)-son  
25-mart  
2022

@xabaruzofficial  
@xabaruzofficial  
facebook.com/xabar.uz/

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI SHRI

www.xabar.uz

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ РАҚАМЛАШТИРИЛАДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов ҳамда "Dr. Sulaiman Al Habib Medical Services Group Co." компанияси раҳбарияти ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда АКТ соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, "Рақамли Ўзбекистон-2030" дастури доирасидаги соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштиришга қаратилган устувор лойиҳаларни молиялаштириш каби долзарб ва муҳим йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар кенг ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, уларни янада ривожлантириш учун саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга тайёр эканликларини билдирдилар.



## КИБЕРФИБРИБГАРЛИК

Онлайн буюртмалар ортига яширинган хавфдан огоҳ бўлинг

Ҳозирги глобаллашган ва ахборот-коммуникация технологиялари замонида ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қила олмасак керак. Барча соҳаларга кириб борган Бутун жаҳон ахборот тармоғи орқали бугун инсонлар ўзларининг кўплаб хоҳиш ва истакларини амалга оширишмоқда, деярли барча ижтимоий тармоқларда ўз контентига эга, контентдан фойдаланиш орқали билим ва тажрибага эга бўляпти.

Айниқса, икки йилдан Абери давом этиб келатган карантин туфайли инсонларнинг интернетга бўлган эҳтиёжи янада ошиши натижасида бугунги кунда халқаро интернет тармоғига уланишнинг умумий ўтказувчанлик имконияти 1 800 гигабит/секундга етиб, 2021 йилда маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти вилоят ва туман марказлари даражасида 1,5 баробарга ошди. Айнан карантин туфайли инсонларнинг интернетга, жумладан,

онлайн буюртмаларга бўлган эҳтибори ҳар қачонгиданда кучайиб кетди. Бироқ, ҳар бир нарсанинг ижобий ва салбий томони бўлганидек, интернетдан фойдаланишнинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд. Хусусан, интернет бир томондан шахсларнинг оғирини енгил қилса, иккинчи томондан уларга ташвиш келтиради. Гап шундаки, бугунги кунда ўзга шахсларнинг мол-мулки ва шахсиятига келтираётган зарарларнинг деярли катта қисми ҳам айнан интернет орқали содир этил-

моқда. Интернет фибрибарликларининг сони ва салмоғи кўпаймоқда. Биргина, Россия Федерациясида киберфирибаргарлар 2021 йилнинг иккинчи чорагида 230 мингдан ортиқ банк операцияларини амалга ошириш орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларига катта зарар келтиришган. Интернет фибрибарлиги турли усулларда амалга оширилиши мумкин, аммо бугунги кунда онлайн буюртмалар орқали содир этилаётган киберфирибарликларнинг сони ҳар қачонгиданда кўпаймоқда.



## ДУНЁНИНГ ЭНГ ЙИРИК АУДИТОРИЯГА ЭГА ВЕБ-САЙТЛАРИ

(Жами ташрифлар сони, млрд., 2021 йилнинг ноябригача)

1. Google.com – 89,08
2. Youtube.com – 34,00
3. Facebook.com – 20,61
4. Twitter.com – 6,55
5. Instagram.com – 6,22
6. Baidu.com – 5,49
7. Wikipedia.org – 5,21



Манба: Statista

## Таълим ва карера

### Edufair 2022 — ТАЛАБАЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Жорий йилнинг 18-19 март кунлари Тошкент шаҳрида Edufair 2022 халқаро таълим кўرғазмаси бўлиб ўтди.

Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи кўмағида ўтказилган Edufair 2022 ўқув кўрғазмаси талабаларга Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардаги энг яхши олийгоҳларда таълим олиш ва грант дастурлари ҳақида барча зарур маълумотларни тақдим этди.

Ушбу ярмаркада Тошкент шаҳридаги ИНХА университети жамоаси ҳам ўз стенди билан иштирок этди. Бу ерда ҳар бир киши университет бўйича ўзини қизиқтирган барча маълумотларни олиш имконига эга бўлди.





Жумадан  
жумагача

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 21 март куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очик мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқотда “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 1000дан ортиқ, вилоят ва туманлардаги студияларда эса жами 13 мингдан зиёд соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари иштирок этди.

Пойтахтимиздаги “Хумо арена” мажмуасида 21 март куни Наврўз байрами тантаналари бўлиб ўтди. Тантанада иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев барчани Наврўз байрами билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев имзолаган “Озодликдан махрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 75 нафар шахс афв этилди. Афв этилган шахсларнинг 4 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 53 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 2 нафарининг озодликдан махрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 16 нафар шахсларга тайинланган озодликдан махрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Жорий йилнинг 23 март куни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг мамлакатимизга Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиш учун ташриф буюрган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдирим бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида мамлакатимиз ва Туркий давлатлар ташкилоти ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 март куни иқтисодий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

24 март куни Президент Шавкат Мирзиёев биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари форум иштирокчиларини қутлаб, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохот ва янги-ланишлар тўғрисида сўзлаб берди ҳамда юртимизни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.



## Ўзбекистон-Татаристон: АКТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

22 март куни IT-Парк резиденти Astrum IT академиясида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир Шерзод Шерматов Татаристон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Роман Шайхутдинов ва Innpopolis махсус иқтисодий зонаси вакиллари билан ўзаро мулоқот қилди.

Учрашув давомида IT-таълимни ривожлантириш, мутахассислар тайёрлаш, АКТ соҳасида ўзаро яқинликни кенгайтириш бўйича агрофличча фикрлар алмашилди. Шунингдек, IT-Парк ва Innpopolis махсус иқтисодий зонаси фаолиятлари тўғрисида, Ўзбекистон ва Татаристонда IT соҳасини ривожлантириш ва IT тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун яратилган имкониятлар тўғрисида тақдимотлар ҳам ўтказилди.

Музокара доирасида Innpopolis махсус иқтисодий зонаси вакиллари билан ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли иқтисодиёт соҳаларида биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамкорликда кадрлар малакасини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бундан ташқари, аутсорсинг IT-хизматларни ташкил этиш мақсадида IT-Парк билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга келишилди.

Шу билан бирга, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-Парк) ҳамда Innpopolis махсус иқтисодий зонаси ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик олиб бориш мақсадида “Йўл харитаси” имзоланди.

Маълумот учун айтиш керакки, 2021 йил сентябр ойида бўлиб ўтган Kazan Digital Week-2021 халқаро форумида иштирок этиш доирасида IT-Парк раҳбарияти томонидан

““

ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР  
ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯ-  
ЛАРИ ТЕХНОЛОГИК ПАРКИ  
(IT-ПАРК) ҲАМДА INNPOLIS  
МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ  
ЎРТАСИДА КЎП ТОМОНЛАМА  
ҲАМКОРЛИК ОЛИБ БОРИШ  
МАҚСАДИДА “ЙЎЛ ХАРИТА-  
СИ” ИМЗОЛАНДИ.

Innpopolis вакиллари билан ўтказилган музокаралар кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун асос бўлди.

Меморандум доирасида ҳар икки томон резидентларига Ўзбекистон Республикаси ва Татаристон Республикаси бозорига чиқиш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг дастурий маҳсулотлари ва хизматларини ташқи бозорларда илгари суриш, экспорт қилиш учун кўмак бериш, резидентлар фаолияти учун шарт-шароитларни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тажриба алмашиш, томонларнинг инновацияларга бағишланган форумлари, конференциялари, кўргазмалари, семинарлари ва бошқа тадбирларини



ташкил этиш ва иштирок этиш каби йўналишларда ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Мазкур меморандумга асосан ҳам ВРО ва КРО хизматлари бўйича ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириши мўлжалланган.

Бугун Ўзбекистонда хорижий IT компанияларнинг тўлақонли фаолият олиб бориши учун барча шароитлар яратилган. Шунга қўра, хорижий компаниялар, шулар қаторида Татаристон технопарклари ҳам Ўзбекистондан IT мутахассисларини кенг жалб қилишлари мумкин. Бу эса ёшларнинг бандлигини ошириш, уларни юқори маошли иш билан таъминлашга замин яратади.

IT мутахассисларни тайёрлашда хусусий ўқув марказлари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Улардан бири Юқори Чирчиқ туманида жойлашган Astrum IT академияси ҳисобланади. Astrum IT академияси икки қаватли замонавий бино бўлиб, таълим ва ишлаб чиқаришни қамраб олган кластердир.

Бу ерда ёшлар аввал дастурлашни ўрганиб, кейин шу соҳада ишлайди. Уларнинг ўзлаштиришини сунъий интеллект баҳолайди.

Томонлар таъкидлаганидек, мазкур меморандум ҳар икки мамлакатнинг ахборот технологиялари сектори ва стартап экотизимини янги босқичга олиб чиқишга ва Ўзбекистондаги ишлаб чиқувчилар ва стартап эгаларига халқаро бозорга чиқиш учун янги имкониятлар яратишга ёрдам беради.

Ташриф доирасида меҳмонлар учун Astrum IT академияда ёшлар учун яратилган шароитлар билан танишиш ва тингловчилар билан суҳбат уюштирилди.



# UzPost ходимлари тақдирланди

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов “Ўзбекистон почтаси” АЖ ташкил этилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда иштирок этиб, почта ходимларини тақдирлади.

Унга кўра, корхонанинг тўрт нафар ходими “Моҳир алоқачи” фахрий унвони билан, 14 нафари “Ўз касбининг устаси” белгиси, шунингдек, 10 нафари фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда “Ўзбекистон почтаси” АЖ таркибий жиҳатдан 165 та туман ва шаҳар почта алоқаси тармоқлари, 1803 та почта алоқаси бўлиmlаридан (улардан 1358 таси қишлоқ жойларида) иборат бўлган 14 та минтақавий филиаллар, 4 та ихтисослаштирилган филиаллар – “Халқаро почта”, “Халқаро тезкор почта”, “Ўзбекистон маркаси”, “Матбуот тарқатиш”ни ўз ичига олади. Шу билан бирга, республика ҳудудида почта жўнатмалари мунтазам равишда 3та авиа, 303 та автомобил йўналишлари бўйича етказиб берилмоқда.

2021 йил 14 декабр санасида “Ўзбекистон почтаси” АЖ ребрендингни амалга оширди ва айнан шу санадан бошлаб UzPost брендига ўтди.

“UzPost”нинг мавжуд ахборот тизимлари янгиланди, тўловларни қабул қилиш ва пул ўтказмалари бўйича автоматлаштирилган тизим янгиланиб, AVVAL бренди остида ишга туширилди ҳамда унинг мобил иловаси ҳам яратилди. Бугунги кунда мазкур тизимда бодан ортиқ тўловларни қабул қилиш имконияти мавжуд.

Ҳозирда республиканинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли учун 930 га яқин почта алоқа объектларида 30 турдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини онлайн сотиш ва миқозларга етказиб бериш имкониятини берувчи UNISAVDO бренди остида Миллий онлайн савдо майдончаси 2021 йил март ойидан бошлаб тўлиқ ишга туширилган.

Электрон тижорат билан шуғулланувчи тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида, Андижон вилоятининг

Асака туманида, Бухоро вилоятининг Вобкент туманида ва Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида логистика маркази қурилиши бошланди.

Шунингдек, “Гибрид почта” тизими такомиллаштирилиб, Ягона миллий тизим жорий этилди. Гибрид почта хизматнинг афзаллиги шундаки, давлат органлари ва ташкилотлари почта жўнатмаларини конвертга солиш, унга марка ёпиштириш, олувчининг манзилларини ёзиш ва почтага олиб келиш вазифаларидан ҳоли бўлишади.

Бунинг натижасида почта жўнатмасини етказиб беришдаги назорат мuddатлари қисқаришига эришилди, яъни аввал почта жўнатмалар энг чекка ҳудудда яшовчи аҳолига 6-8 кун ичида етказиб берилган бўлса, эндиликда 1-2 кун ичида амалга ошириляпти.

АКТ вазири Ш.Шерматовнинг таъкидлашича, бугунги кунда 100 дан ортиқ давлат органлари ва ташкилотлари ушбу хизматдан фойдаланиб келмоқда. Гибрид почта жўнатмаларининг ҳажми 2020 йилга нисбатан 2021 йилда 2 баробар кўпайиб, 3,5 миллион дона ташкил этган.

Face ID

## Ўзбекистонда юз орқали идентификация қилиш тизими йўлга қўйилди

Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази томонидан мукамал кўринишдаги шахсни масофадан биометрик (юз орқали) идентификация қилиш (Face ID) тизими йўлга қўйилди.

FaceID – бу биометрик идентификация тизими. У шахсларни ҳаётий баҳолаш орқали ишончли идентификация қилиш имконини беради ва биометрик ҳужжатлардан ҳимоялайди.

FaceID – хизмат кўрсатиш соҳаларига мурожаат этилганда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида ишончли идентификацияни таъминловчи комплекс ечим ҳисобланади.



Қайд этилишича, FaceID имконияти электрон ҳукуматнинг ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, my.gov.uz хизматларидан фойдаланишда, давлат ташкилотлари ҳамда тижорат банклари фаолиятида жуда қўл келади.

Таклиф этилаётган тизим АҚШнинг Стандартлар ва технологиялар институти (NIST) Миллий рейтингда етакчи ўринда. Верификация ва идентификация йўналишларида ТОП-10га киради.

FaceIDдан фойдаланиш афзалликлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш марказига мурожаат қилишингиз мумкин.

Сиз томон йўл олдик

## ЯГОНА ПОРТАЛ ТАРҒИБОТИ СИРДАРЁДА


Ҳозирги кунда “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси томонидан “Сиз томон йўл олдик” лойиҳаси амалга ошириляпти. Унга асосан республика бўйлаб марказ мутахассислари ҳудудларда семинар-тренинглار ўтказишмоқда.

Навбатдаги тренинг машғулотлари Сирдарё вилоятининг Сирдарё, Оқолтин, Мирзаобод туманлари ҳамда Янгиер шаҳрида бўлиб ўтди. Лойиҳа масъуллари фуқароларга Ягона портал (my.gov.uz) хизматлари, яратилган имкониятлар, аф-

заллик ва қулайликлар бўйича маълумот ва тушунтиришлар берди.

Семинар-тренинг доирасида фуқаролар томонидан берилган кўплаб саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоблар қайтарилди.


Эслатиб ўтамиз, “Сиз томон йўл олдик” лойиҳасидан аҳолига электрон хизматларнинг афзаллиги ва қулайликлари тўғрисида маълумотларни етказиб бериш, улар орасида электрон давлат хизматларини кенг жорий қилиш мақсади кўзланган.



# КИБЕРФИРИБГАРЛИК



## Онлайн буюртмалар ортига яширинган хавфдан огоҳ бўлинг



Умуман олганда, онлайн буюртмалар орқали содир этилаётган фирибгарликлар турли усул ва шаклларда содир этилиши мумкин. Улар орасида энг кенг тарқалган онлайн буюртма соҳасидаги фирибгарликлар шакллари фишинг, кардинг ва фарминг ҳисобланади. “Фишинг” инглизча балиқ ови деган маънони билдиради ва у жиноят банклар ва тўлов тизимлари номидан электрон хатлар юбориш, фойдаланувчини банк ва тўлов тизимлари билан бир хил кўринишда бўлган махсус сайтга киришга ундаш ва фойдаланувчининг махсус сайтга кириши ва унда шахсий маълумотларини қолдириш орқали киберфирибгар тузоғига тушишга оид жиноятдир.

Кейинги фирибгарлик бу кардинг бўлиб, у фишинг сайтлар яратиш ва унда арзон нархдаги товларни жойлаштириш ҳамда ундан харидорлар томонидан ўзининг шахсий маълумотларини (пластик картаси ҳақидаги маълумотларни) киритиш орқали киберфирибгарлик пластик карта ҳақида маълумот берувчи, ammo бирон бир олди-сотдини амалга ошириш имкони берадиган киберфирибгарликнинг бир туридир. Учинчиси фарминг ҳисобланади ва у фишинг сайтлар орқали содир этиладиган фирибгарликнинг юқори кўриниши бўлиб, унда фойдаланувчи сайт номини тўғри киритса ҳам сохта сайтга кириверади ва шу орқали ўзининг шахсий маълумотларини ўзи билмаган ҳолда киберфирибгарнинг қўлига топширишига оид киберфирибгарлик жиноятининг бир туридир.

Бундан ташқари, ушбу жиноятлар бошқа усуллар билан ҳам содир этилиши мумкин. Ҳозирги кунда кўпчилик онлайн тарзда ўз қўлидаги валютани интернет тармоғи орқали тегишли банк сайтларига кириш йўли билан алмаштиришга ҳаракат қилади. Табиийки, валюталар ўртасидаги курслар орасидаги бир мунча арзонроқ бўлган платформани танлайди ва пул маблағларини алмаштиришга уриниб кўради. Оқибатда бор маблағидан ажралиши мумкин ёки филиансерлик ортидан келаятган сохта рекламаларга учиб, сохта филиансер хизматларига чув тушиш мумкин. Ёхуд интернетдаги сохта танловда қатнашиш орқали бошқа шахсинг манфаатлари йўлида ўзимиз билган ҳолда унга хизмат қиламиз. Ёки тезда бойиб кетиш учун инфобизнес қилишни ўргатиш асносида ишончга кирган жиноятчининг хизматлари учун ҳақ тўлаймиз ённки ўзидан бечора ясаб олган бир “бемор”нинг даволаниши учун пул маблағларини мизни жиноятчига ўзимиз хоҳлаб туриб ўтказиб берамиз. Статистикага кўра, онлайн буюртма орқали фирибгарлик қилишинг энг кўп тарқалган усули харид учун ҳақ амалга оширилиб, харид қилинган нарсанинг харидорга етказиб берилмаслиги натижасида мулкдорга етказилган зарар ҳисобланади.

Ушбу жиноятлар барча давлатларда, хусусан, Ўзбекистонда жуда кўп содир этилмоқда. Статистика маълумотларига қараганда, фирибгарлик жиноятлари Ўзбекистонда транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлардан кейинги

иккинчи ўринда турадиган жиноят ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу жиноятларнинг интернет ва телекоммуникация тармоқлари орқали содир этилиши киберфирибгарларга ҳар томонлама, яъни ҳам иқтисодий, ҳам вақт нуқтаи назаридан тежамкорликка сабаб бўлмоқда. Жумладан, Умумреспублика процессинг марказининг маълумот беришича, UsCard брендиндан киберфирибгарлик мақсадида расмий сайт интерфэйси қўчириб олиниб, бонуслар олиш учун карта рақамини киритиш таклиф қилинган, натижада шу орқали киберфирибгарлик амалга оширилган. Шунингдек, “Киберхавфсизлик маркази” ДУКнинг маълумотига асосан, 2021 йилда ушбу марказ томонидан интернет тармоғининг миллий сегментини манзил майдонидан келиб чиққан 17 097 478та зарарли ва шубҳали тармоқ фаолликлар бўйича ҳолатлар, шу жумладан, интернет тармоғининг миллий сегментининг веб-сайтларига қилинган 1 354 106та киберхужумлар аниқланган ва энг кўп киберхужумлар Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Германия ва бошқа худудлардан амалга оширилган.

Шу ўринда, таъкидлаш керакки, ушбу жиноятларнинг барчаси тўғри қасддан, яъни жабрланувчига нисбатан жиноят содир этаётганлигини ҳамда унинг оқибатлари учун жавобгарлик борлигини билган ва қўзи етган ҳолда кибержаноятчи томонидан содир этилади. Ушбу жиноятлар объектив томондан интернет тармоғи орқали ўзга шахсни алдаш ёки унинг ишончига кириш йўли билан содир этилади. Ушбу жиноятларнинг объектини ўзга шахсинг мулквий дахлсизлиги ташкил этади ва у ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилади. Мазкур жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик ёшони белгилаш ҳақида дунё давлатлари турлича ёш цензини таклиф қилишдади ва ушбу жиноят Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида содир этилган ёки унинг оқибатлари Ўзбекистон Республикасида амалга ошган бўлса, ушбу шахсга нисбатан ёш цензи 16 ёшни ташкил қилади ва мазкур шахс Жиноят кодексининг 17 моддаси ва 168-моддасининг иккинчи қисми “в”-бандига асосан, шахс компютер техник воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик жиноятини содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Шу ўринда савол туғилади, бу жиноятлар қўнайиб кетишига нима сабаб бўлмоқда ва унинг олдини олиш мумкинми?

Ҳа, албатта, мумкин. Онлайн буюртма асосида ташкил этилган фирибгарлик жиноятининг содир этилишига кўпчилик ҳолларда шахсларнинг ўзлари сабабчи бўлишади. Мисол учун, доимий равишда фойдаланадиган онлайн дўконларнинг домени номига жабрланувчилар етарлича эътибор қаратишмайди ва домен номидига ўхшаш харфлар ёки белгилар ёхуд рақамлар орқали сохта фишинг сайтга фойдаланувчилар кириб кетишади ёки сигналмаган сайтлар орқали онлайн буюртма беришади ва ўзларининг пластик карталари ҳақидаги маълумотларни ўзлари билмаган ҳолда фирибгарларга бериб юборишади ёхуд онлайн буюртма вақтида ўзларининг карталарини расмга олиб онлайн буюртма олувчи шахсга беришади ва

ушбу шахс жабрланувчининг ишончига кириб, унинг пластик картасидаги маблағларни ўзлаштириб олаётганлигини жабрланувчи билмай қолади ёки турли хил алдов рўқнидаги сайтларга кириш ва сайтда назарда тутилган кетма-кетликни бажариш ортидан ўзларининг мулкидан ажралишади. Мазкур ҳолатда, онлайн буюртма фойдаланувчилари ҳеч қачон ўзларига берилаётган қўлайликдан воз кечиши керак эмас, фақатгина ўзларининг мол-мулкига эҳтиёт бўлиш учун харид қайси ахборот тизими ёки платформа орқали амалга оширилаётганлиги, ўзининг эҳтиёжи учун назарда тутилган ахборот тизимига тўғри кираётган ёки кирмаётганлигига ҳамда ҳар хил алдовларга ишонмасдан ҳар бир рекламанинг асосига эътибор қаратган ҳолда, ўз эҳтиёжи учун харидни амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, баъзи ҳолларда харидни амалга ошириш вақтида онлайн сўхбатдан унумли фойдаланиш орқали ҳам фирибгарлар тузоғидан қўтилиш мумкин, яъни онлайн харид вақтида харид қайси ҳудудда амалга оширилаётганлиги ва имкони бўлса офлайн тарзда харид қилишга ҳам жабрланувчи ўз эҳтиёжи борлиги ва харид амалга оширилаётган жойининг манзилини бериши сўраши орқали фирибгар ушбу учрашувга розилик бериш ёки бермаслиги йўли билан ҳам фирибгарлар тузоғидан қочиш мумкин. Агарда ҳалол шахс бўлса, учрашувга рози бўлади, аксинча бўлса, учрашишдан воз кечади.

Онлайн харид орқали амалга оширилган фирибгарликка учраган ёки шундай фирибгарлик қурбони бўлаётган шахс биринчи навбатда зудлик билан платформани тарк этиши, платформага пластик картаси ёки электрон тўловлари ҳақидаги маълумотларни киритиб қўйган бўлса, зудлик билан операцияларни тўхтатиши ва имкони бўлса, зудлик билан тегишли банкка мурожаат қилиб, пластик картасидаги пул маблағларини музлатиб қўйиши ёки бошқа пластик картага ёки бошқа ҳисоб рақамга ўтган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошириши, рўй берган қўнғилсизлик хусусида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, электрон тўлов мобил қуримлардан фойдаланилувчиси бўлса, картадаги пул маблағларини зудлик билан мобил иловалардаги банк омонатларига жойлаштириши ёки ҳар бир банк операцияларини амалга ошириш вақтида тўлов амалга оширилаётган ахборот тизимига тўғри қирганлигига ва сигнал ҳолатда харидлар “онлайн дўкон”ларга амалга ошириш мумкинлигига ишонч бўлганидан кейин харидни амалга ошириш зарур бўлади.

Онлайн харид бугунги кунда хусусий сектордан ташқари давлат секторига ҳам кириб борганлиги, электрон тижоратнинг яратилган имкониятларидан давлат органлари ва идоралари хизматчилари ҳам бугунги кунда фойдаланилаётганлиги ижобий ҳолат. Бироқ, яратилаётган ва жорий қилинаётган ахборот тизимларининг ахборот ва киберхавфсизлиги етарлича таъминланмаганлиги амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард натижасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабдан ҳам ахборот ва киберхавфсизлик талабларидан келиб чиқиб,

нафақат давлат секторидида, балки хусусий секторда ҳам лицензияланган дастурий маҳсулотлардан фойдаланишга ўтиш ва унинг мажбурий қоида сифатида белгилаш бугунги кунда турган энг муҳим дозарб масалалардан бири ҳисобланади. Айнан лицензияланган дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш шахс, жамият ва давлатнинг киберриски таъминланади, яъни лицензияланган дастурий маҳсулотларга келтирилган зарар қопланишини олдиндан аниқ билган ҳолда, ундан фойдаланувчилар сони кўпаяди. Бунинг учун эса, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни ва ундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини қўриб чиқиш таклифи этилади.

Бундан ташқари, бугунги кунда давлат ўз эҳтиёжлари учун харид қилаётган платформадан фойдаланувчилар сонининг камлиги ва ўз эҳтиёжи учун тегишли ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича эмаслиги, тизимда барча харид амалга оширилиши бу тизимдан фойдаланиш ҳар томонлама ноқулайликларни вужудга келтирмоқда, шу сабабдан ҳам рақамли иқтисодиёт бўйича ваколатли орган ташаббуси билан “IT-market”га ўхшаш платформаларни яратиш орқали хусусий ва давлат секторидида ахборот тизимлари, ахборот-коммуникация технологияларининг харидини битта жойда амалга ошириш орқали тадбиркорлик субъектлари ўртасида рақобат муҳитини ошириш ва давлат буюртмачиси бўлган идоранинг ўз тизимига кирувчи тузилма билан ахборот тизимлари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларига бўлган хариди билан боғлиқ шартномавий муносабатларга киришга бўлган тақиб ушбу соҳада ҳам рақобат муҳитининг тақомиллашувига сабаб бўлади.

Айнан юқоридаги таклифларнинг қабул қилиниши нафақат онлайн харид билан боғлиқ ахборот тизимларининг, балки бошқа ахборот тизимлари ва ахборот-коммуникация технологияларининг ахборот ва киберхавфсизлиги таъминланишига, барча фойдаланувчиларнинг дастурий маҳсулотлари лицензияланиши ва лицензияланган ахборот тизимларига келтирилган зарарнинг ўрни қопланиши натижасида рақамлаштирилган жамиятда фойдаланилаётган ахборот тизимларининг фойдаланувчиларида давлат органлари ва идораларига бўлган ишончи янада ошишига, хусусий секторда ҳам лицензияланган дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш амалиёти кенг йўлга қўйилишига сабаб бўлади.

Хулоса яқунда айтиш керакки, рақамлашган жамиятда давлат бошқа субъектлар каби фуқаролик муомаласи ишгирокиси бўлар экан, унинг ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш орқали инсонларнинг давлат органларига бўлган ишончини орттириш бугунги кунда энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлмоғи даркор.

Абдулазиз РАСУЛБЕ,  
юридик фанлар доктори,  
профессор,  
Амириддин АНОРБОВ,  
юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори


## ЯПОНСКАЯ КОМПАНИЯ ПЛАНИРУЕТ ОТКРЫТЬ В УЗБЕКИСТАНЕ КРИПТОБИРЖУ

Компания Japan DXT планирует открыть в Узбекистане криптовалютную биржу и реализовать ряд других проектов в сфере цифровизации, передает ИА “Дунё”.

Иностранное предприятие зарегистрировано в Узбекистане японскими Nippon Investment Operating Corporation, Japan DX и Number One Solutions Inc.

Компании также создали СП Japan GXT, которое реализует проекты, направленные на повышение урожайности сельскохозяйственных культур и привлечение в страну водосберегающих технологий, а также глубокой переработке сельхозпродукции и производство медицинского каннабиса.

По данным агентства, на первоначальном этапе японские компании планируют инвестировать более \$15 млн. собственных средств и привлечь иностран-



ные инвестиции путем выпуска криптовалют (токенов).

Официальная презентация и торжественные мероприятия по

случаю открытия компании и совместного предприятия будут проведены в Ташкенте в марте-апреле.

## В ТАШКЕНТЕ В ЧЕТВЕРТЫЙ РАЗ ПРОЙДЕТ TECHSTARS STARTUP WEEKEND

В Университете АКФА в Ташкенте с 25 по 27 марта пройдет четвертый хакатон Techstars Startup Weekend Tashkent. Об этом сообщили организаторы мероприятия — общественные лидеры Techstars и Google Developers Group.

Startup Weekend — это международная модель хакатона, помогающая его участникам запустить свой стартап за три дня в выходные. Участники хакатона смогут собрать свою команду, реализовать MVP идеи и протестировать ее с помощью экспертов отрасли.

В рамках хакатона ведущие эксперты, бизнес-инвесторы, IT-специалисты, а также успешные владельцы стартапов поделаются своим опытом и знаниями с участниками хакатона.

В четвертом хакатоне Techstars Startup Weekend Tashkent примут



участие более 80 человек, 16 команд и более 10 экспертов.

Startup Weekend проходит в более чем 200 городах 67 стран мира. За “выпускниками” Startup Weekend пристально следят инвесторы со всего мира, а по-

тенциальные предприниматели находят инвесторов через эту платформу. За годы работы проекты, прошедшие Startup Weekend, собрали более \$30 млн. для реализации за счет средств третьих лиц (инвесторов).

### ОПРЕДЕЛИЛИСЬ ПЕРВЫЕ РЕЗИДЕНТЫ ТЕХНОПАРКА “ЧИРЧИК”

Первыми резидентами технопарка в Чирчике стали три татарстанские компании, сообщает пресс-служба президента Татарстана.

■ “ВР-Пласт” — компания по производству пластика. Ее совместный проект связан производством термоэластопластов в виде гранулы и изготовлением изделий из него — уплотнителей для окон и поливных шлангов.

■ “Бионоватик Агро” — производитель биологических средств защиты растений. Компания наладит выпуск биофунгицидов, биоинсектицидов и биоудобрений.

■ Компания “Натуральное здоровье”, занимающаяся производством биологически активных добавок. Проект связан производством изделий бытового и оздоровительного назначения из высокоэластичного многокомпонентного полиуретана, а также хранением и реализацией пищевых комплексов, добавок и БАД.

По словам премьер-министра Узбекистана Абдуллы Арипова, условиями работы в технопарке интересуются партнеры не только из России, но и из Китая, Индии, Южной Кореи и других стран.

“Технопарк открыт всем. В ближайшие годы здесь будет производиться более 100 наименований важной для экономики Узбекистана продукции”, — сказал глава правительства.

### В E-IJARA ТЕПЕРЬ МОЖНО РЕГИСТРИРОВАТЬ АРЕНДУ ЗЕМЛИ

ГНК опубликовал инструкцию по регистрации договора аренды земельного участка в E-ijara.

Сначала арендодателю надо войти в персональный кабинет на сайте ijara.soliq.uz. Для этого нужен ключ ЭЦП.

На портале выбирается услуга “Земля в аренду”.

Далее в разделе “Информация об аренде открытых земельных участков” надо указать сдаваемый в аренду земельный участок в строке “Объект недвижимости”.

Сведения в разделе “Информация об арендодателе” формируются автоматически. В нем лишь нужно вписать:

если арендатор — физлицо, его ПИНФЛ;

если арендатор — компания, её ИНН.

Отметив галочкой “фактический адрес юридического лица”, можно указать другой адрес, если он не соответствует отображаемому.

В завершение надо нажать кнопку “Отправить”.

После чего арендатор должен войти в систему (также с ЭЦП) и подтвердить договор в разделе “Список аренды” — “В ожидании утверждения”.

Сервис E-ijara в тестовом режиме запустился в прошлом сентябре, а с начала этого года работает полноценно. Площадка предназначена для учета договоров аренды и субаренды недвижимости.

По словам главы ГНК Шерзода Кудбиева, основная цель внедрения платформы — вывод бизнеса из тени, создание условий для прозрачности финансовых потоков.

## РОССИЯНАМ ПРЕДЛАГАЮТ ТУРЫ В УЗБЕКИСТАН ЗА КАРТАМИ VISA И MASTERCARD

Российский туроператор “Веди Групп” объявил о запуске новых туров для оформления карт Visa и Mastercard в Ташкенте. Об этом сообщается на сайте компании.

“Данная банковская карта принимается к оплате в любых банках и позволяет вам свободно применять безналичный расчет за границей для оплаты товаров и услуг”, — говорится в сообщении.

Предлагаются прямые авиаперелеты в Ташкент из Екатеринбургa, Москвы, Казани, Уфы и Минеральных Вод компаниями Uzbekistan Airways и Uzbekistan Express.

В период с 16 марта по 16 мая тур можно бронировать по фиксированной стоимости — 23 000 рублей (\$221) на человека при двухместном размещении за две ночи. Заявки выполняются ежедневно с апреля по октябрь. Продолжительность — от двух

ночей.

Авиаперелет, обязательная страховка в 700 рублей и страховка отмены поездки (2% или 4%), а также экскурсия и дополнительные ночи в отеле оплачиваются отдельно.

Международные платёжные системы Visa и Mastercard приняли решение приостановить работу в России из-за военной спецоперации в Украине — это касается карт всех российских банков, а не только подсанкционных. Россияне могут и дальше расплачиваться картами Visa и Mastercard внутри страны, но за границей они перестали работать с 10 марта.





## ЖАНУБИЙ КОРЕЯ КИБЕРХАВФСИЗЛИКНИ КУЧАЙТИРДИ

Жанубий Корея мудофаа вазири хамда миллий разведка хизмати мамлакатнинг киберхавфсизлик таҳдидларига шайлик даражаси кучайтирилганини маълум қилди.

Шимолий Корея ракетага учирли фаоллаштиргани хамда Россия Украинада жанговар ҳаракатлар олиб бораётгани муносабати билан ушбу қарорга келингани айтилмоқда.

## СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА ЭНГ КЎП ПУЛ КИРИТУВЧИ МАМЛАКАТ



IDC компанияси прогнозларига қўра, АҚШ 2025 йилгача сунъий

интеллект учун харажатларини ошириб, 120 миллиард долларга етказди.

Ҳозир жаҳонда сунъий интеллектга йўналтирилган харажатларнинг ярмидан кўпи АҚШга тўғри келади.

Сунъий интеллект учун маблағлар йўналтирилиши бўйича савдо соҳаси биринчи, банк эса иккинчи ўринда турибди. 2025 йилгача профессионал хизматлар, оммавий ахборот воситалари ва инвестиция соҳасига сунъий интеллект киритиш кўп маблағ талаб этиши кутиляпти.

## ANDROID 13 КОМПЮТЕРЛАРДА ҲАМ ИШЛАЙДИ



Google Android 13 превюсини тақдим этди, маълум бўлишича, унда шахсий компютерлар учун махсус интерфейс ҳам мавжуд.

Шу каби интерфейс Android 12L ҳам бор эди, бироқ 13-талқин катта экранли қурилмалар учун махсус ишлаб чиқилган.

Интерфейснинг вазифалар панели ўнг томонида билдириш-

номалар ва тезкор соғламанлар учун белгилар мавжуд. Бундан ташқари, ушбу режимда иловалар автоматик равишда эркин ойна тартибда очилади.

## РОССИЯ СУДИ FACEBOOK ВА INSTAGRAMНИ ТАҚИҚЛАДИ



Россия суди 21 март куни мамлакат бош прокуратурасининг Facebook ва Instagram ижтимоий тармоқларини тақиқлаш ҳақидаги талабини қаноатлантирди.

Прокуратура Meta компаниясини экстремистик ташкилот деб тан олишни сўрагани. Шу муносабат билан бу компанияга қарашли бўлган Facebook ва Instagram ижтимоий тармоқлари тақиқланди. Суд қарори қабул қилинган пайтидан кучга кирди.

Эслатиб ўтамиз, Роскомнадзор бунгача Instagram ва Facebookни блоклашни бошлаган эди. Ҳозир Metaга қарашли иловалардан биргина WhatsApp Россияда ишлаб турибди.

## GOOGLE ИРҚЧИЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Калифорния штатининг федерал судига Google қидирув гигантига қарши даъво аризаси киритилди. Унда айтилишича, компания қора танлиларни қуйи даражадаги ишларга бириктирмоқда, уларга камроқ маош берапти ва лавозимга кўтарилиш имкониятларидан маҳрум қилапти.

Google оқ танли ходимларни кўпроқ қўллаб-қувватлапти, дейилади даъво. Қора танлилар ходимларнинг атиги 4,4 фоизини, бошқарув ва техник мутахассисларнинг эса 3 фоизини ташкил этади.

Даъвогарларнинг муддаоси компаниянинг амалдаги ва собиқ қора танли ходимларига кам тўланган маошлар ва маънавий зарарларнинг қопланишига эришиш, шунингдек, уларнинг муносиб лавозимларга тикланиши ҳам талаблар рўйхатида.



## Халқаро ҳаёт



## УКРАИНАНИ 3,5 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД ОДАМ ТАРК ЭТДИ

Украинада жанговар ҳаракатлар бошланганидан бери қўшни мамлакатларга ўтган қочқинлар сони 3 557 245 нафарга етди. Бу ҳақда ВМТнинг Қочқинлар масалалари бўйича олий комиссари бошқармаси 23 март куни баёнот берди.

24 февралдан бери қўшни мамлакатларга қочиб ўтганлар сони:

- Полшага — 2 113 554;
- Руминияга — 543 308;
- Молдовага — 367 913;
- Венгрияга — 317 863;
- Словакияга — 253 592;
- Россияга — 252 376;
- Беларусга — 4 308.

Яна 69 600 нафар украиналик қочқин Европанинг бошқа мамлакатларига етиб борган.

## РОССИЯ УКРАИНАДА ГИПЕРТОВУШЛИ ҚУРОЛ ҚЎЛЛАГАНИНИ ТАН ОЛДИ

Россия мудофаа вазири биринчи марта Украинадаги жанговар ҳаракатлар жараёнида гипертовушли қуроллар қўлланганини тан олди. Бу ҳақда брифингда маълум қилинган.

“Гипертовушли аэробаллистик ракетага эга “Кинжал” (“Ханжар”) авиация ракета тизими Ивано-Франковск вилоятидаги катта ер

ости ўқ-дорилар омборини йўқ қилди”, — деди Россия мудофаа вазири Игорь Конашенков.

Унинг айтишича, Россия қўшинлари, шунингдек, Одесса вилоятидаги электрон разведка марказларига “Бастион” ракеталари орқали зарба берган.

2021 йил декабр ойида Мудофаа вазири Сергей Шойгу “Кинжал” гипертовушли ракетаси билан қуролланган МиГ-31К самолётларидан иборат алоҳида авиация полки пайдо бўлишини эълон қилганди. Ўша йилнинг кузига Россия президенти Владимир Путин мамлакат “АҚШнинг ракетага қарши мудофаа тизимини жойлаштиришига жавобан” гипертовушли қуролларни яратишга киришилганини айтганди.

## СЕРДАР БЕРДИМУҲАММЕДОВ ҲУКУМАТНИ ТЎЛИҚ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРДИ



Туркменистоннинг янги президенти Сердар Бердимухаммедов давлат раҳбари сифатида янги қарорни имзолади.

У инаугурациядан сўнг дарҳол ўз вазифасини бажаришга киришар экан, Туркменистон Конституциясига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тўлиқ истеъфога чиқариш тўғрисидаги қарорни имзолади.

Амалдорлар янги ҳукумат шакллантирилгунга қадар ўз вазифасини бажариб туради.

Эслатиб ўтамиз, 12 март куни бўлиб ўтган сайловларда ғалаба қозонган Сердар Бердимухаммедовнинг инаугурацияси 19 март куни бўлиб ўтди.

## ҲАВОСИ ЭНГ ТОЗА ВА НОТОЗА МАМЛАКАТЛАР РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



Дунёнинг турли минтақаларида ҳаво тозаллигини ўрганишга бағишланган тадқиқот кўрсатишича, 2021 йилда ҳеч қайси мамлакат Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) талабларини бажара олмади.

Швейцариянинг IQAir компанияси ўтказган тадқиқотда 6 475 та шаҳардан фақат 222 тасида ҳавонинг ўртача сифати ЖССТ стандартига мувофиқ келган. Барча ахборотлар реал вақт тартибда, яъни бир пайтнинг ўзиде олинган.

ЖССТ талабларига мувофиқ, ҳавода PM2.5 зарарли зарраларининг миқдори йилига бир куб метрга 5 микрограммдан юқори бўлмалиги керак.

Ҳавоси энг нотоза мамлакат Бангладеш — барча маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқда. Кейинги ўринларда: Чад, Покистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Ўмон, Қирғизистон, Баҳрайн, Ироқ ва Непал. Ҳавонинг ифлосланиш даражаси Ҳиндистон, Покистон ва Бангладешда ЖССТ талаблари даражасидан 10 баравар юқори!

Дунёдаги энг ҳавоси ёмон пойтахт-шаҳар — Деҳли (Ҳиндистон).

Янги Каледония, Виржин ороллари (АҚШ), Пуэрто-Рико, Кабо-Верде, Саба (орол), Финляндия, Гренада, Багама ороллари, Австралия ва Эстония — дунёнинг ҳавоси энг яхши ҳудудлари. Қолаверса, Норвегия, Дания, Швеция, Япония, Канада ва Буюк Британия ҳам ҳаво сифати энг яхши мамлакатлар қаторида.

# ҲИНДИСТОННИНГ ГЛОБАЛ IT-ХАБГА АЙЛАНИШИ

Ҳозирги кунда Ҳиндистоннинг глобал IT-хабга ва "Ҳинд ахборот мўъжизаси"га айланиши ҳақида гап-сўзлар кўпаймоқда.

Facebook, Google, Amazon каби глобал ахборот компаниялари АКШ ва араб инвестиция фондлари билан биргаликда Ҳиндистон ахборот секторига сармоя киритиш ва Jio Platforms каби Ҳиндистон IT корпорациялари билан ҳамкорликни ривожлантириш учун саф тортмоқда. Жаҳон бозорида IT соҳаси билан шуғулланувчи ҳар тўрт кишидан учтаси – ҳиндлар. Ҳиндистон IT экспортининг 38 фоизини Бангалор шаҳри етиштиради, яқин йилларда Сан-Франциско ортда қолдириб, дунёдаги энг муҳим ахборот технологиялари марказига айланиши мумкин.

Бу қандай содир бўлди?

Ҳиндистонда ахборот технологияларининг аҳамиятини жуда эрта англаб етишган. 1970 йилларда Интернет DARPAнинг ривожланиши сифатида Кўшма Штатларда эндигина пайдо бўлган ва биринчи шахсий компьютерлар бироз шубҳали ғоя бўлиб туюлган эди. Хитойда қизил гвардиячилар шоли далаларига "ташланган" университет ўқитувчиларини калтаклаётган бир вақтда Ҳиндистон дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи компаниялар учун энг қулай шарт-шароитларни таъминловчи давлат дастурини аллақачон қабул қилган. Улар учун субсидиялар, имтиёзли кредитлар ва пасайтирилган божхона ставкалари берилган.

Мумбай яқинида 1973 йилда хорижий мижозлар учун дастурий таъминот экспортга ихтисослашган биринчи SEEPZ махсус иқтисодий зонаси пайдо бўлди. Ҳиндистоннинг биринчи IT компанияси 1968 йилда ташкил этилган Tata Consultancy Services бўлиб, у 1975 йилда Швейцария, Канада ва Жанубий Африкадаги банклар учун дастурий таъминотни сотган ва 2021 йилга келиб энг катта бозор капиталлашуви 200 миллиард АКШ доллари бўлган трансмилий IT корпорациясига айланган.

Бироқ, кейинги чорак асрда Ҳиндистоннинг IT сектори миллий ва жаҳон бозорларида унчалик сезилмади. Утган асрнинг 90-йилларида Ҳиндистоннинг бутун ахборот саноати бир неча минг IT мутахассислардан иборат эди ва бу кўрсаткич – аҳоли сонига қиёсланса жуда кам – тахминан 100 миллион АКШ доллари миқдорида ахборот технологиялари соҳасидаги экспорт.

Бироқ, бу ноаниқлик остида Ҳиндистон раҳбарияти ва компанияларининг 80-90-йилларда олиб борган узоқ, жиддий ва тизимли ишлари ётарди ва бу кейинги муваффақиятларни олдидан белгилаб берди. Мисол учун, 1986 йилда Ҳиндистонда дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва экспорт қилиш бўйича янги давлат дастури қабул қилинди, унда IT соҳасини ривожлантириш миллий иқтисодий келажакнинг калити сифатида белгиланди. Ахборот технологиялари учун барча мумкин бўлган имтиёзлар берилди, чекловлар

олиб ташланди, таълим дастурлари йўлга қўйилди.

Шундан сўнг, Ҳиндистон IT соҳаси XXI аср бошидаги ахборот инқилоби ва тезкор интернетлашув тўлқинини ишончли тарзда босиб ўтди. Унинг учун бурилиш нуқтаси ҳозирда ярим унутилган, аммо 1990 йилларнинг охирида жуда кўп шов-шувларга сабаб бўлган, "2000 йил муаммоси", яъни Y2K эди. Эслатиб ўтамиз, XX асрда ёзилган кўп эски дастурлар йилни ёзиш учун фақат охириги икки рақамдан фойдаланган. Нагигада, 1999 йил, яъни улардаги йил 1900 йил билан алмаштирилиши керак эди, бу эса катта ҳажмдаги компьютер тизимларнинг носозликларига олиб келиши мумкин эди. Эски кодни тузатиш учун IT мутахассисларининг бутун армияси керак эди – Ҳиндистон уни жаҳон бозорига тақдим эта олди.

2000 йилларнинг бошида Ҳиндистон IT маҳсулотлар экспорти бўйича етакчига айланди ва глобал IT аутсорсинг бозорида ҳукмронлик қилди. Бунга асосий сабаб, Ҳиндистонлик IT мутахассислар Фарб стандартлари бўйича "тийин"ларга ишлашга тайёр эди.

Шу сабабли, 2000-2010 йиллар охирида "ҳинд коди" рус тилида сўзлашувчи IT мутахассислар орасида мем бўлиб, ҳайратланарли даражада эгри нарсаларни аналитган. Бироқ, вақт ўтди, инсонлар ва компаниялар ўрганишда тўхташмади, Ҳиндистоннинг IT сектори жадал ривожланди ва тобора каттароқ ва жиддийроқ буюртмаларни олишга муваффақ бўлди, бу уларни профессионал қилди.

Шу билан бирга, чет эл буюртмаларининг деярли чексиз бозорига эга бўлган IT мутахассисликлари миллионлаб амбицияли ва ақли ёшлар учун қашшоқликдан қутилиш бўлди. Мумбайдан ташқари, биринчи навбатда, миллий, кейин эса глобал аҳамиятга эга бўлган йирик IT марказлари шакллана бошлади: Бангалор, Ҳайдаробод, Ченнай.

Бунга параллел равишда, Jio Platforms каби ҳинд IT гигантлар ва ҳукумат ҳаракатлари Ҳиндистонни интернет давлатга айлантирди. 2010 йилда Ҳиндистон фуқароларининг бор-йўғи 7,5 фоизи бутун дунё бўйлаб интернетдан фойдаланган бўлса, 2020 йилда интернетга улашнинг арзонлиги ва маҳаллий ишлаб чиқарилган смартфонлар туфайли ушбу кўрсаткич деярли 700 миллионга етди. Бу мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилиб, Ҳиндистонни интернетдан фойдаланувчилар сони бўйича Хитойдан кейин иккинчи ўринга чиқарди.

Шундай қилиб, 2019-2020 йилларда глобал IT гигантлари қатъият билан Ҳиндистонга кўчиб ўтишди.

Махфуза РҲИДИНОВА

## СПОРТ



### "ТШТТ" филиалида байрамона беллашув

"Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар тасарруфидаги боғламалар ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ходимлар ўртасида соғломлаштириш-профилактика ишларини кучайтириш мақсадида Наврўз байрами беллашувлари ўтказилди.

Мусобақаларда "ТШТТ" филиали тасарруфидаги боғламалар ишчи-ҳодимлари шашка, шахмат, стол тенниси бўйича ўзаро беллашдилар. Яқунда ўз йўналишларида қуйидаги ходимлар голиб деб топилди.

Шашка бўйича 1-ўринни Станциялараро алоқа боғламаси ходими Леонид Лямкин ҳамда Янгиобод телефон боғламаси ходими Шоиста Назарова эгаллади. 2-ўрин Янгиобод телефон боғламаси ходими Акмал Сафаров ҳамда Шайхонтоҳур телефон боғламаси ходими Камола Абдукаримовага насиб этди. 3-ўринга Шайхонтоҳур телефон боғламаси ходими Бекзод Наханов ҳамда Миробод телефон боғламаси ходими Василя Галимуллина лойиқ кўрилди.

Спортнинг шахмат йўналиши бўйича 1-ўрин Марказий телефон боғламаси ходимлари Музаффар Муратов ҳамда Дилдора Атабаевага насиб этди. 2-ўринни Янгиобод телефон боғламаси ходимлари Мирхожақбар Қодиров ҳамда Марал Садирова банд этди. 3-ўринни Миробод телефон боғламаси ходими Дилмурод Қаршиев ҳамда Чилонзор телефон боғламаси ходими Татьяна Манаенкова эгаллади.

Стол тенниси ҳам мurosасиз кечди. Унда 1-ўрин шохсупасига Электр таъминот ускуналари хизмати ходими Азизбек Назарбеков ҳамда Марказий телефон боғламаси ходими Ирода Раҳимова чиқишди. 2-ўрин Чилонзор телефон боғламаси ходими Бобур Қудратов ҳамда Миробод телефон боғламаси ходими Евгения Сараевага насиб этди. 3-ўринга Миробод телефон боғламаси ходими Абдусодиқ Абдусаломов ҳамда Мирзо Улугбек телефон боғламаси ходими Наргизахон Ибрагимовалар лойиқ деб топилди.

Голибларга Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан медал, диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, "ТШТТ" филиали раҳбарияти томонидан пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги 6099-сонли "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросига қаратилган бу каби тадбирлар давом эттирилади.





## Galaxy A53 va Galaxy A52: фарқи нимада?

Samsung 17 mart kuni ўzining Galaxy A52 5G smartfoni yangi avlodi - Galaxy A53 modelini taqdim qildi. Albatta, yangi model ўzi bilan bir qancha yangiliklar va yaxшиланишларни олиб келади. Келинг, узларнинг хусусиятларини таққослаб кўрамыз.

Ўхшаш томонларидан бошлайдиган бўлсак, иккала смартфонлар ҳам 6.5 дюймли, Full HD+ Super AMOLED, 120Hz янгиланиш тезликдаги дисплейга эга ва узлар Corning Gorilla Glass 5 билан химояланган. Шунингдек, смартфонлар камералари хусусиятлари ҳам ўзаро тенг: 32 MP олди камера, 64 MP асосий орқа камера ва қўшимча 12 MP, иккита 5 MP камералари бор. 6/8 GB оператив, 128/256 GB доимий ва 1 ТВгача қўшимча microSD ўрнатиш имконияти билан иккала смартфонлар бир хил хотира ҳажмига эга. Шу билан бирга, икков модел ҳам 25W тезликда қувватланади ва 5Gни қўллаб-қувватлайди. Икки смартфоннинг оғирлиги 189 граммни ташкил қилади ва IP67 сертификати билан сув ва чангга чидамли.

Энди Galaxy A53 устунлик томонлари ҳақида гапирадиган бўлсак, янги 5nm Exynos 1280 чипли Galaxy A53 олдинги 8nm Snapdragon 720G чипли Galaxy A52дан кўра яхшироқ ишлайди. Қувват борасида ҳам A53 ўзининг 5,000 mAh батарея сиғими билан аввалги 4,500 mAh батареяли A52 моделини "синдиради". Гарчи Galaxy A52 Android 12 операциян тизими янгилана оладиган бўлса ҳам, Galaxy A53 айнан шу операциян тизим билан келади ва яна тўрт авлод Android янгиланишини қабул қила олади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Galaxy A53 аввалги авлодига қараганда бўйига ҳам, энига ҳам, қалинлигига кўра ҳам 0.3 мм пастроқ ва ингичкароқ.

Янги авлод Galaxy A53 модели камчилиги шундаки, унда симли қулоқчинларни улаш учун наушник уяси мавжуд эмас ва яна шуни ҳам айтиш керакки, смартфон кутисида қувватлаш адаптери бўлмайди. Нархи эса албатта эски моделдагидан қимматроқ: Ўзбекистонда Galaxy A52 (4/128 GB) модели Samsung расмий савдо нуқталарида 3,655,000 сўмдан 4,900,000

сўмгача бўлган нархда сотилаётган бир вақтда, янги Galaxy A53 расмий тақдимотда 449 евро (бугунги кунда: 5 миллион 750 минг сўм атрофида) нархда тақдим қилинди. Албатта, тез орада смартфон мамлакатимиз савдо расталарига чиқарилганида унинг нархи яна кўтарилиши мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, Galaxy A53 янги амалий тизимда, тезроқ ишлайди ва кўпроқ батарея қувватини тақриф қилади. Агар бу сиз қидираётган хусусиятлар бўлса, унда бу Galaxy A52 устидан янгиланиш учун муносиб смартфондир.

### Саломатлик

## "Кечки овқатни душманга берма!"

Машҳур бир нақл бор: нонуштани - ўзинг е, тушликни - дўстинг билан бўлиш, кечки овқатни - душманингга бер.

Бироқ врач-кардиолог, Россия кардиологлар жамияти вице-президенти, академик Юрий Беленков бу фикрга унча қўшилмаслигини билдирди. "Кечки овқатни асло душманга бериш керак эмас", - деди у.

Тўлақонли овқатланиш жуда муҳим. Беленковнинг фикрича, нонушта суткалик калориянинг 25 фоизини, тушлик 50 фоизини ва кечки овқат тахминан 20 фоизини ташкил этиши лозим.

Кечаси ухлай олмайдиганлар, қорни очиб ярим тунда емак қидириб қоладиганлар нима қилсин? Ортиқча вазни муаммоси қандай ҳал бўлади?


Мутахассис бундай кишиларга уйқудан олдин сайр қилиб келишни ёки биологик цикларни меъёрига туширувчи мелатонин қабул қилишни тавсия қилди.



### Маслаҳат

## Upscaler

Фотосурат сифатини икки карра яхшилаш мумкин



Нейротармоқлар ривожланган замонда ёмон олинган фотосуратларни яхшилаш учун Photoshордан фойдаланишга ҳожат қолмади.

Янги сервис - Upscaler сунъий интеллект ёрдамида бир неча сонияда тасвирни 4 мартагача катталаштириб беради. Нейротармоқ фотони сифатини бузмасдан "чўза олади".

Сервисдан фойдаланиш учун Upload Image ("Суратни юклаш") белгиси босилса кифоя. Бир неча сонияда натижасини чиқариб беради.

Суратни неча баравар катталаштириш кераклигини Increase resolution to белгиси орқали бошқарасиз. Фотодаги нуқсонларни йўқ қилиш вазифаси "Enhance Quality" белгисига юкланган.

Сервис png, jpeg, jpg ва webp форматларини қўллайди, энг муҳими - Upscaler тўлиқ бепул ва ҳеч қандай чекловлар йўқ. Фойдаланинг!

**Xabar**

МУАССИС:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

Бosh муharrir:

Abdug'ani ABDURAHMONOV

Тahrir Hay'ati:

Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart

Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.

### MANZILIMIZ:

100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Obuna indeksi — 228.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Muhiddin SOLIEV.

ISSN 2010-6424



ISSN 2010-6424

Boshishga topshirildi — 17 °°  
Boshishga topshirish vaqti — 24 °°

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi

Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

G-359 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3332

Viloyat muxbirlari:

Andijonda (74) 226-47-80

Buxoroda (99)854-7305

Jizzaxda (94) 199-95-64

Namanganda (91) 353-71-25

Navoiyda (79) 225-91-10

Nukusda 554-35-45

Samarqandda (91)557-84-44

Termizda (99)508-30-52

Toshkentda 234-18-59

Urganchda (97) 211-65-05

Farg'onada (73) 244-18-05

Qarshida (93)931-08-99